

### Иқтидорлилар маскани

Республика фанлар олимпиадасида боёвтулик 6 нафар ўқувчи қатнашиб, 5 нафари биринчи, биттаси 2-ўринни эгаллабди. Биргина 1-мактабнинг ўзидан иштирок этган 4 ўқувчи вилоят босқичида голиб чиқибди.



### «Ситораи Моҳи Хоса»

бу ерда бўйрак касалликлари билан келган беморлар дардларига даво топишмоқда



### Ишқибоз

Деярли 90 дақиқа давомида майдонда 22 киши ўртасида ашаддий «жанг» бўлган бўлса, ўриндиларда бир неча бор тортишувлар юз берди. Якунда, содда қилиб айтганда, дўстлик галаба қозонди.

## Insonga naf keltirish — oliy baxt



# Ishonch

Адолат барча фазилятлар ичидаги олий фазилятдир.

ЦИЦЕРОН

2008-yil 19-iyul № 86 (2499) shanba

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT

2008 йил 18 июл куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисте жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, яқинлари қўриб чиқишда ҳамда 2008 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов олиб борди.

Мажлисте қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида яли ички маҳсулотнинг ўсиши 9,3 фоизни, sanoat ишлаб чиқариши ҳажми ўсиши 12,2 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши бўйича 16,6 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича 5,4 фоизни, чакана товар айланмаси бўйича 14,4 фоизни, пулли хизматлар кўрсатиши бўйича 18,9 фоизни ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси барқарор юқори суръатлар билан, энг аввало, экспортнинг қарийб 1,5 баробар қўлайиши ҳисобига ўсди. Давлат бюджети яли ички маҳсулотга нисбатан 1,8 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар инвестицияларнинг 19,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 29,4 фоизга ўсишини таъминлади. 185 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, «Асака текстил», «Сурхон текс», «Навбахор текс», «Риштон текстил» тўқимачилик корхоналари ва бошқалар ишга туширилди.

Тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши, кичик бизнесга солиқ юқининг пайсантирилиши ҳамда унинг фаолият кўрсатиш шароитларининг эркинлаштирилиши натижасида кичик бизнеснинг яли ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг тегишли давридаги 38,1 фоиз ўрнига 40,2 фоизга қўлайди.

Ривожлантиришнинг мақсадли комплекс дастурлари фаол амалга оширилиши туфайли 372,1 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 130,2 мингта, қасаначиликни ташкил этиш ҳисобида 132,6 мингта иш ўрни ташкил этилди.

«Ешлар йили» Давлат дастури доирасида биринчи ярим йилликда ёшларни моддий ва маънавий

қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, ёшлар таълими сифатини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга 702 млрд сўм маблағ ажратилди. Ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, уларни реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 млрд сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланишидаги ижобий тенденциялар халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Халқаро валюта фонди томонидан юқори баҳоланди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан иқтисодий тармоқларини янада модернизациялаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, янги иш ўринларини, айниқса, қишлоқ жойларда ташкил этиш ва шу асосда аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Электротехника тармоғини модернизация қилиш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлашга, бутун дунёга машҳур бўлган савдо марказларига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этишга йўналтирилган тармоқни ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг этибори қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, хизматлар кўрсатишнинг янги объектиларини барпо этиш ва фаолият кўрсатаётганларини кенгайтириш учун ер участкалари ажратилиш, кредит ресурсларини, қурилишга ва муҳандислик коммуникацияларига улашишга руҳсат берувчи ҳужжатларни олишда тадбиркорларга қўмақлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўриш зарурлигига қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимиз галлакорлари 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд сара дон ўриб-янчиб олиб, зиммаларидаги шартнома мажбуриятларини ортиги билан бажаришди.



Деҳқонларимизнинг салмоқли ва фидокорона меҳнати эвазига бу йил ўтган йилга нисбатан қарийб 230 миллиард сўмдан кўпроқ, мамлакатимиз галлачилик тарихида биринчи бор 1 триллион 37 миллиард сўмдан зиёд даромад олишга муваффақ бўлганимиз халқимизнинг кўнгилни мамнуният ва қувонч билан тўлдирishi табиий, албатта.

Шулар қаторида мамлакатимизда етиштирилган мўл ҳосил натижасида 3 миллион 300 минг тоннадан ортиқ галла деҳқон, фермер хўжаликлари ва аҳоли истеъроида қолгани қишлоқ аҳолининг рўзгорига қўт-барока бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустақкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг Ўзбекистон галлакорларига йўлаган табригидан

### ● Байрам олди тухфаси Хирмон тўлиб, тўқилди дон

Сурхон замини яна ўз саховатини кўз-кўз қилди. Воҳа деҳқонларининг мардона меҳнати, гайрат-шижоати эвазига улкан хирмон бунёд этилди.

Галлачилик билан 7200 дан зиёд фермер хўжаликлари шуғулланди. Бошқача айтганда, 110 минг нафар деҳқон ризқ-рўзимизни яратиш ишига ҳисса қўшди. Мухтасар айтганда, деҳқон иродаси табиат инжиқлигидан ҳам, ишни ташкил этишдаги муаммолардан ҳам устун келди. Кўзда тутилган ҳосил яратилди. Давлат шартномаси ортиги билан удаланди. Ризқ-рўз яратган фермерларнинг ҳам, аъзоларининг ҳам уйи бугдойга тўлди.

Албатта, мўл ва юқори ҳосил етиштириш ерга уруқ қадаш билан битмайди. Дон етиштиришдек машаққатли меҳнатда ўғит, сув, нефт маҳсулотлари таъминоти билан шуғулланувчи ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг ҳамжихатлиги қўл келди. Улар деҳқоннинг қаватиға кириб, мушкулларини осон қилишди.

Галлачиликда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан кам фойда кўрилмаётир. Бир гектар галлазордан ўртача 42-45 центнердан хирмон уйилмоқда. Бу гектаридан 4-4,2 тонна бугдой олинади, дегани. Бир килограмм бугдойни давлат харид ҳисобига ҳисоблайдиган бўлсак, бир гектар галлазорларимиз умумий даромади 650-700 минг сўми ташкил этмоқда. Холбуки, бу йил воҳа галлачиликда 60 центнерчилар, 70 центнерчилар сафи кенгайди.

Дарвоқе, 60-70 центнерчилар ҳақида: Ангор туманидаги «Сандносирхон», Бандихон туманидаги «Темур Пухтаев», Деновдаги «Хайдар бобо», «Тошмурод», Жарқўрғондаги «Янгиер», Қумқўрғондаги «Ҳафиз-Содиқ», Музабобдаги «Абдулаким Мардонов», Олтинсойдаги «Жиннибулоқ пахтакори», «Миршод ААЭ», Узундаги «Ўқтам фидойи», Саросийдаги «Ойбек-Оҳу», «Қувонч-Хайдар каби фермер хўжаликлари воҳа галлачиликнинг байроқдорлари бўлишди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири



### Mustaqilligimizning 17 yilligi oldidan Сирдарё вилояти

Сирдарё халқи азалдан қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб келган меҳнаткаш, софдил, бағрикенг халқ. Мен Мирзачўл элининг изланувчанлик ва ташаббускорлик фазилятларига, меҳнат ва ҳаёт тажрибасига ишонман.

Ислам КАРИМОВ

## Дарё ортидаги мўъжиза



Умумий ер майдони 4,3 минг квадрат-километри ташкил қиладиган хозирги Сирдарё вилояти узоқ тарихга эга. Вилоят ҳудудидаги сардобалар, Ховос қалъаси, Ховос ва Мирзаобод карвонсаройлари, Малик кудуқлари ва Бухоро хони Абдуллахон қурдирган Хонбанди сув омбори каби обида ва ёдгорликлар шундан дарак беради. Афсуски, уларнинг аксарияти турли босқинлар оқибатида vayronага айланган. Истиклол туфайли уларнинг қўпчилиги қайта тикланди.

Мирзачўлни Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган ватанпарварлар ўзлаштириб, бўстонга айлантирди. Сирдарё аҳолининг истиқлол йилларида амалга оширган ишлари асрларга татийди. Аҳоли сонини 1890 йилда атиги 1800 кишини ташкил этган бўлса, хозирги кунда бу заминда салкам 700 минг киши истиқомат қилади. Англия фермерлар уюмаси президенти Хью Уоот айтган мана бу жумлага эътибор беринг: «Бундан икки йил аввал Голландиядаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш

қўламини қўриб, уни оламнинг саккизинчи мўъжизаси деган эдим. Ўзбекистон қўриғи — Мирзачўлдаги ўзгаришларни, шак-шубҳасиз, дунёнинг тўқинчи мўъжизаси десак, ҳаққимиз кетмайди».

Сўнгги йилларда вилоят марказида қўллаб-қувватланган қурилиш, улар қаторига «Маънавият ва маърифат маркази», «Алпоминш» спорт мажмуаси, улгуржи савдо базори, бокс, нокко ҳамда сузиш саройларини қиритиш мумкин.

Сирдарё бўйлаб сафаримиз вақтида вилоят галлакорлари давлатга дон топшириш, йиллик режасини ортиги билан бажарганлиги тўғрисида хушхабар тарақалди.

(Давоми 2-бетда).

## ҲАРБИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ГАРОВИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июл куни Бухоро вилоятининг Когон туманида бўлди

Авал хабар берилганидек, 2008 йил 10 июл кечаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган ҳарбий қисмининг ракета-артиллерия омборида ўт чиққан ва у омборда ёнган юз бериши ҳамда ўқ-дориларнинг портлашига сабаб бўлган эди. Айни вақтда вазиятни бартараф этиш, зарур хавфсизлик чораларини таъминлаш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқумат, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги, Фа-

вкуллда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тузилмалар раҳбарларидан иборат ҳуқумат комиссияси факуллда воқеа содир бўлган жойда иш олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳуқумат комиссиясининг Когон туманида бўлиб ўтган йиғилишини бошқарди. Йиғилишда фалокат сабабларини аниқлаш билан боғлиқ ишларнинг бориши, содир бўлган воқеа оқибатларини бартараф этиш бўйича қўрилган зарур чора-тадбирлар ҳақида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Шу ҳудудда ишлаётган ҳарбий хизматчилар хавфсизлигини таъминлаш, воқеа содир бўлган жойнинг яқинида яшайдиган ва хавфсиз жойга кўчирилган аҳолига тегишли моддий ва маънавий қўмақ бериш, жабрланганларга зарур тиббий ўрдам кўрсатиш борасидаги ишлар муҳокама қилинди.

Бу борада амалга оширилган ишларни атрофчи таҳлил қилар экан, Ислам Каримов, аввало, мавжуд вазиятни ҳар томонлама чуқур тасаввур қилиш ва рўй бериши эҳтимо-

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-бетда).

Ушбу масалани муҳокама қилиш аяқлари бўйича мажлис қатнашчилари олдиға йўл қўйилган қамчиликларни тезлик билан бартараф этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муваффақиятларига эришишни, мақсади комплекс дастурлар, 2008 йилга Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш вазифаси қўйилди.

Мажлисда республиканинг озиқ-овқат бозорини барқарор таъминлаш ва мева-сабзавот маҳсулотларини гамлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари бажарилишини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди.

Чорва моллари бош сонини, сугорилмайдиган ерларда озука экинлари майдонларини кўпайтириш, чет элдан оқори маҳсулдор зотли моллар келтириш бўйича амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва ички бозорни тўлдирish учун муостаҳкам замин таъминламоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, по-

лиз экинлари маҳсулотлари етиштиришнинг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиши таъминланди.  
Республикада ишлаб чиқариладиган асосий озиқ-овқат товарларининг ҳажми ҳамда яратилган ишончли захиралар аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаши, ички истеъмол бозори, узулқисиз тўлдирилишини таъминлаш алоҳида қайд қилинди. Озиқ-овқат товарларининг асосий турларини республика ташқарисига қонунчилик билан чеклаш кетишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш аяқлари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Ё-мой ва озиқ-овқат санати уюшмаси, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, улгурчи ва чакана савдо ташкилотлари олдиға аҳолининг озиқ-овқат товарларининг асосий турларига бўлган эҳтиёжларини узулқисиз қондиришни бундан буён ҳам таъминлаш ҳамда деҳқон ва озиқ-овқат бозорларида нархларнинг асосий ўсиб кетишига йўл қўймаслик вазифаси қўйилди.

Шу билан бир қаторда, янги ҳосил йиғиштириб олинганга қадар мавсум оралигида аҳолига

барқарор сотиш учун етарли миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка ва полиз экинлари маҳсулотлари гамлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш тизимини янада тақомиллаштириш, шунингдек, уларнинг битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари ҳар томонлама муҳокама қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик қошидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактаблар битирувчиларини иқтисодиёт тармоқларида ва ҳудудларда талаб қилинадиган мутахассисликларга мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш ва уларни ишга жойлаштиришда кўмаклаштириш бўйича ишлари етарли даражада самара бермаётганини танқид қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик қошидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофазаси қилиш вазириликга ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасаларини жорий йилда тугатган битирувчилари тўлиқ ишга жойлаштирилишини, шу-

нингдек, 2008-2009 ўқув йили битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, турар-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш даврига тайёрлашнинг бориши муҳокама қилинди.

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва турар-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш юзасидан тадбирлар амалга оширилиши учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари, «Ўзкоммунизмат» агентлиги, вазириликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги алоҳида қайд этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан вазириликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимлари сўзга чиқшди. Қўйилган масалаларни муҳокама қилиш аяқлари бўйича республика Ҳукумати мажлисида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазириликлар амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

# ҲАРБИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ГАРОВИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 17 июл куни Бухоро вилоятининг Когон туманида бўлди

(Боши 1-бетда).

Рўй берган бу воқеанинг асосий сабаби шундаки, совет даврида барпо этилган мазкур ўқ-дори омбори бундай объектлар учун белгиланган норматив талаблари инобатга олмастан қурилган.

Бугун афсусланиб айтиш керакки, жанговар снаряд ва ўқ-дорилар сақланган омбордаги аҳвол, портловчи моддаларнинг қандай сақланаётгани, уларнинг эртага қандай ҳавф етказиши мумкинлиги, бундай объектлардаги тартиб-интизомнинг ҳолати тўғрисида тегишли мутасадди ташкилотлар, авваламбор, Мудофаа вазирилик етарлича эътибор ва масъулият кўрсатмаган. Қўп нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай ўта муҳим объектни қўриқлайдиган, унинг ҳавфсизлигини таъминлайдиган ҳарбий қисм раҳбарияти ва ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш масаласига совуққонлик билан қаралган.

— Когон туманида содир бўлган ушбу фавқулодда ҳодиса ва унинг сабаблари, етказилган зарар оқибатларини аниқлаш бўйича ҳозирги кунда Бош прокуратура ва мутасадди органлар томонидан тергов ишлари олиб борилмоқда ва ўз вақтида керакли ҳулосалар чиқарилади ва жамоатчилигимизга маълум қилинади, — деди Ислон Каримов. — Мақсад — ҳақиқатни аниқлаш, бундай фалокатлар қайтарилмаслигининг олдини олиш учун зарур барча чора-тадбирларни қўриш.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча муҳим ва долзарб масалаларни ўз вақтида ва пухта бажариш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан тегишли вазири-

лик ва идоралар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Шундан сўнг Президентимиз Ислон Каримов мазкур ҳудудда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликга қарашли вертолётчилар ҳарбий қисмида бўлиб, бу ерда ҳарбийларнинг хизмат вазифасини ўташи, дам олиш, спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар билан танишди. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбат чоғида уларнинг хизмат фаолияти, оилавий аҳоли билан қизиқди.

Ислон Каримов ҳарбий қисм жойлашган ҳудудни ободонлаштириш ва кўламадорлаштириш, тегишли инфратузилма яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

— «Ислохотлар — инсон учун!», деган эзгу гоёмизни ҳарбийлар учун ҳам тўла татбиқ этишимиз, уларнинг хизмати ва турмуши учун зарур барча шароитларни яратиб беришимиз шарт, бунинг учун давлатимизнинг салоҳияти ва маблағи етарли, — деди Президентимиз пиروвардида. — Узини Ватан химосидек олижаноб ва шарафли ишга бағишлаган ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама қадрлаш, уларга давлат ва жамиятимиз томонидан доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — Қуроли Кулларимизнинг жанговар салоҳияти ва қучқудратини юксалтиришнинг асосий шарти ва гаровидир. Бу ишдан Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон четда турмайди, деб ишонман.

(ЎЗА)



# Сирдарё вилояти



тиклаш, 24 та йирик наос станциясини таъмирлаш, 100 та мелиоратив кудукини сошлаш, 73 км. қ у в у р л и кўприкларни тиклаш, 3,5 км. Марказий Мирзачўл з о в у р и , Ш ў р ў з а к , Кендек ва Кендек з о в у р л а р и реконструкция қилиш мўлжалланган.

Аминманки, мазкур режалар амалга ошса, ҳосилдорлик янада ортади. Лекин бу билан фермерларимизнинг шижоати паст экан деган ҳаёлга борманг. Улар муамоларга

— Оиламиз билан Мирзачўлга 1975 йили Фориз туманидан кўчиб келганми. Бахтимизни ҳам, тахтимизни ҳам чўлда ҳалол меҳнат қилиб топганимдан бахтиёрман. Ерга эга бўлдик. 20 гектарда галла, 130 гектарда пахта етиштиряпмиз. Жорий йилда ҳар гектар ердан 45-50 центнердан бугдой олдик. Ҳўжалигимизда 10 киши ишлайди. Техникадан унумли фойдаланаяпмиз. Галладан бўшаган ерлар шудгорини тугатдик. Энди бу ерга макка-жўхори экиб, чорвачилик учун кўк озуқа ва дов олишимиз мумкин.

Пайжалларга кўз ташлаймиз, гўзалар баравар усапти. Саратоннинг бошидаёқ ҳар бир гўзада 10-15 тадан кўсак пайдо бўлибди. Бу пахта хирмони ҳам юксак бўлишидан дарак.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узулқисиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республикамизда 3 босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» уйин-

бонтекс» қўшма корхонасига отландик. 2001 йили иш бошлаган Ўзбекистон Испания қўшма корхонаси иқтисодий салоҳияти жиҳатидан Сирдарё вилоятида ташкил қилинган 40 дан ортиқ қўшма корхона орасида етакчи ўринда туради. Унинг устоз жағмараси 1,5 млн. АҚШ долларини ташкил этгани холда, ҳозир ўз харажатларини бир неча ўн қарра миқдорда қоплариб, хорижа маҳсулот жўнатаяпти.

Бундан етти йил аввал Россиянинг «Аланс» компанияси мазкур корхонани оёққа тургазишга 944 миң доллар, яъни низоом фондининг 60 фоизи, «Ўзфармасаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Туркистон-М» АЖ, «Сирдарёпахтасаноат» АЖ бириктириб 630 миң доллар, яъни низоом муассасаларининг 40 фоизи миқдориди сармоя киритган эди.

Корхона асосан пахтадан ип-калага ҳамда тиббий ашёлар ишлаб чиқариб, чет элларга экспорт қилади.



корхонасига турли дори-дармонлар тайёрланади ва хорижа экспорт қилинади. Яқинда қўшма корхона негизиде яна бир корхона — «Amaly-Medfarm» МЧЖ ташкил этилди.

Асосий эътибор ишга малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилаяпти, — дейди корхона раҳбари Дилфуза Абдушоҳидова. — Жамоамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати ҳам, меҳнат унвондорлиги ҳам барчани қувонтирмайди. Ҳозирги кунда этил спирти, менавазин сингари 10 га яқин турдаги дори-дармон ишлаб чиқарилмоқда.

Информатика фанидан Бекназар Норбоев, биологиядан Вазира Хамидова, чизмачилик бўйича Иззатулло Шоисаев, тарихдан Аббос Бобоев, география бўйича Нигора Полвонова бу йил нафақат голибликини, балки республикамизнинг ўзи истаган олий

### ИҚТИСОДИЙ МАҚСАДНИ

Сирдарё аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Сафаримиз сўнгиде Бобёв туманида бўлдик. Бу ерда ёшларнинг баркамол воёга етиши учун катта эътибор қаратилмоқда.

Республика фанлар олимпиадасида бобёвтулик 6 нафар ўқувчи қатнашиб, 5 нафари биринчи, биттаси 2-уринни эгаллабди. Биргина 1-мактабнинг ўзидан иштирок этган 4 ўқувчи вилоят босқичида голиб чиқибди.

# Дарё ортидаги мўъжиза

(Боши 1-бетда).

Вилоят иқтисодиётида «Фарход» ГЭС, Сирдарё иссиқлик электр станцияси, «Гулистонэкстракте» АЖ, «Ховосдон» ва «Оқолтиндон» комбинатлари, тиббий дока, жарроҳлик салфеткалари ва бинт ишлаб чиқарувчи «Сарбонтекс» Ўзбекистон-Испания, «Сайхунмедтекс» Ўзбекистон-Швейцария ва дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Лечива-Фармасаноат» Ўзбекистон-Чехия, Ўзбекистон-Афғонистон ҳамкорлигидаги «Бобур» паррандачилик қўшма корхоналари етакчи ўринини эгаллайди.

### ОРЗУЛАР РЎБИ

Мирзачўл аҳолиси асрлар давомида жинчироқ ёқиб ҳаёт кечириб келарди. 1942 йил адоғида Сирдарё бўғили, 1943 йил бошида тўғон қуриш бошланди. Бутун мамлакат оёққа қалкди, одамлар кетмон, белкуррак, озиқ-овқат, идиш-товок, кўрпа-ёстик, кийим-кечачи билан келишди. Дастлаб икита бетон заводи қурилди.

Бунёдкорлар асосан ертўла ва чодирларда яшадилар. 1944 йилда қуриладиган ГЭС ёнида 2 та шахарча қад кўтарди. 1945 йилда тиббий маркази қурувчилар саломатлиги посбонига айланди.

Кўрилишда экскаваторлар кўпайди, 150 вагонли паровоз, 400 автомашина ишлатилди. Уша йили 25 декабрдаги изғиринга қарамай, соловчилар турбиналарни ўрнатшди, 27 декабрда электр қуввати берилди бошланди.

«Фарход» ГЭСининг қисқача тарихи шундай. Ҳозир бу нурхонада 134 киши меҳнат қилади ва халқимизни электр қуввати билан таъминлаб келаяпти. Сирдарёга сафаримиз чоғида ГЭС жамоаси 2008 йилнинг 1-ярмида қўлга киритган му-



ваффақиятлар билан танишдик. Режа бўйича 225 миң квт-соат ўрнига 226 миң 254 квт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.  
— Табиийки, — дейди нурхона касабаси уюшма қўмитаси раиси Олга Труженникова, — бундай ютуқ меҳнат ахлини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан химоялашга ижобий таъсир кўрсатади. Ёшлар йили муносабати билан корхонанинг 2 ходимига қорамол харид қилиши учун 300 миң сўмдан, 7 нафар ёш ходимига парранда сотиб олиш учун 50 миң сўмдан ердан бердик. 12 нафар ходим фарзандларининг суннат тўйини нишонлаб, уларга банкда махсус ҳисоб очиб, ҳар бирига 100 миң сўмдан маблағ ўтказдик.  
Бундан кейин ҳам корхона маъмурияти ва касабаси уюшма қўмитаси бундай эзгу ишларни давом эттиради.

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — ФАВВОРИК ГАРОВИ  
Сирдарёда деҳқончилик қилиш осон эмас. Чўчки вилоятнинг аксар ерлари шўрланган, сизот сувларининг сатҳи яқин. Сугорилиш тармоғининг асосий қисми мўддатини ўтаб бўлганлиги тўғрисида қайта тиклашни талаб этади.  
— Юртбошимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қаро-

лари мунтазам ўтказиб келинаяпти.

Навбатдаги «Умид ниҳоллари» мусобақаси 2009 йилнинг майида Сирдарёда бўлиб ўтади. Ҳозир вилоят ҳокимининг қарорига биноан 16 йўналишда ишчи гуруҳи ишламоқда. Ҳар ҳафтада вилоят ҳокимлигида гуруҳ аъзолари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокчида тайёргарликнинг бориши муҳокама қилиб борилаяпти.

Аслида «кичик олимпиада»га ҳозирлик 2006 йилдан бошлаб юборилган. Бугунги кунда вилоятдаги спорт жамоалари шаклланиб бўлган. Улар қўшни вилоятлардаги жамоалар билан куч синашиб, маҳоратини ошириб бораёпти.

Мусобақалар асосан Гулистон ва Янгйер шаҳарларида бўлиб ўтади. Сирдарёга Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан 2002 нафар ёш спортчининг келиши кўтилаяпти. Меҳмонларнинг умумий сониси эса 3088 кишини ташкил этади. Уларни кўтиб олиш, жойлаштириш, мусобақаларни юксак савияда ўтказиш, шунингдек, кузатиш катта масъулият талаб этади.

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, Сирдарё ахли «Умид ниҳоллари» — 2009» иштирокчиларини муносиб кўтиб олади.

Ҳўжалик раҳбари Курбонгул Мамадалиева Мирзачўлнинг жазирега кўёшида, қаҳратон қишида шўр ювиб, обдон тобланган. Опанинг ўзи бугунги ютуқлари тўғрисида тўққиланиб сўзлайди:



— Қўшма корхонамизда 525 киши меҳнат қилади, — деди корхона раҳбари, «Шухрат» медали соҳиби Мурод Гафуров. — Асосан Испанияда тайёрланган дастоҳлардан фойдаланиб келаяпмиз. Биринчи ярим йилликда 378,7 миң АҚШ доллар миқдоридеги маҳсулот Россияга экспорт қилинди.

### СИФАТ ЯНАДА ОШАДИ

«Лечива-Фармасаноат» Ўзбекистон-Чехия қўшма

Қарийб 40 нафар муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилаётган корхонада 2006 йили 143,3 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йили бу курсаткич 2 бараварга қадар кўпайди.

Яқинда қатор хорижий компаниялар билан замонавий технологиялар, лаборатория ускуналари харид қилиш юзасидан шартнома имзоланди. Бу эса маҳсулот тури ва ҳажминини кўпайтириш билан бирга

ўқув юртига тест синовисиз ўқиб қириш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

— Алломалар ёшликда олинган билим тошга битилган нақш билан баробар деб бежиз айтишмаган, — дейди Ўзбекистон халқ ўқитувачиси, Бекназар Норбоевнинг устози Ҳасан Ҳайдаров. Вилоятда шундай билимдон ёшлар ва уларнинг тажрибали мураббийлари бор экан, Сирдарё истиқболли янада порлоқ бўлади.

Тўққиллик ва барака — қорғимиз шағни. Уни ҳамма қилишдан ҳеч ким четда қолмаслини керак. Ҳалол-поқ, шижоатли, тинимсиз меҳнат самараси бўлган маъмуриликдан барча бирдек манфаат қурсин. Юрт шағнини ҳар биримиз ўз шағнимиз деб билсакки мақсадади зрешан бўламыз. Шу маънода айтиш мумкинки, сирдарёликлар ушбу олтин қандайни ҳис қилсан ҳақда истиқлолнинг 17 йиллигини муносиб кўтиб олишга астойдил ҳарқат қилишмоқда. Барча ҳудудларда ҳаёт қайнаётган. Одамлар тинч-осойишта ҳаёт учун ширкони айтиб, юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида меҳнат қилишмоқда.  
**Жаҳонгир ШАРФОВЕВ, Пиркилот ДУСТАМАТОВ, «Ishonch» мухбирлари Мухаммад КАРИМ олган суратлар**

● Касаба уюшмалари шифо масканларида

«Ситораи Мохи Хоса» санаторийси Бухоро шаҳридан чамаси уч-тўрт километр шимолда, энг сўнгги амир қароргоҳи ҳудудда жойлашган. Унинг ташқи ва ички кўриниши ҳайрат уммонига фарқ этади. Ўзига хос яшил зонани ташкил этган турфа дарахтларни аймайсизми? Айниқса, мевалар фарқ пишганда, ишқомларда узумлар шира тортганда, турфа гуллар очилиб, чиройини кўз-кўз қилганда диллар жунбушга келади. Ўзингизни худди жаннатга тушиб қолгандай ҳис қиласиз.

Сихатгоҳга киравришдаги кенг йўлак чиройли қилиб безатилган. Полга чўгдай, қипқизил пояндозлар тўшалган. Катта-катта тувакларга субтропик ўсимликлар ва турли-туман гуллар ўтказилган. Дам олувчиларнинг умумий бўлинмасида телевизор ишлаб турибди. Ҳордик учун юмшоқ мебеллар, стол ва стуллар қўйилган. Ётоқхоналар ҳам ҳозирги замон талаблари даражасида жиҳозланган. Буларнинг барини ташкил қилишда «Ситораи Мохи Хоса» масъулияти чекланган жамияти директори Абдулла ака Ҳақимовнинг ҳиссаси каттадир. У киши ушбу сихатгоҳни 24 йилдан бери бошқариб келмоқда. Шу йиллар ичида қанчадан-қанча мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, санаторий ҳудуди ободонлаштирилди ва кўкаламзорлаштирилди, ётоқхоналар таъмирланди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар олиб келинди. Бундай эзгу ишларни ташкиллаштиришда Абдулла ака бош-қош бўлди.

Дарвоқе, шифо масканига келганлар аввало, Абдулла аканинг самимий суҳбатидан ўтадилар. Сўнг у ердаги шароит, Тангри ато этган мўъжиза — маъданли сувдан шифо топадилар. Бу ҳақда Абдулла аканинг ўзи шундай дейди.

— Буйрак — бел соҳасида, умуртқа погонасининг икки томонида жойлашган жуфт аъзо. Танада модда алмашинуви натижасида ҳосил бўладиган қолдиқ ва зарарли моддалар жигарда филтрланиб, буйрак орқали ташқарига чиқиб кетади. Тери, ўпка, сўлак безлари буйрак ўрнини боса олмайди. Организмдаги жами қон буйракдан бир суткада 360 марта ўтиб, тозаланиб туради. Иссиқ қон иситмасиз бўлмайди, деганларидек, буйрак ҳам хаста-

ланади. Ана шу ва бошқа касалликларни даволадиган маъданли сув бундан 32 йил муқаддам бизнинг ҳудудимиздан чиқди. 48 даража иссиқликда ва 1550 метр чуқурликдан олинадиган ушбу мўъжизакор сув буйракдаги майда тошлар, тузлар ҳамда унинг яллиғланиш, простата безлари касалликларига чалинишининг олдини олади, даволайди. Санаторийимиз маъданли сув муолажаси машҳур Железноводск, Ессентуки, Трусковец курортлари муолажасидан устун бўлса устунки, асло қам эмас. Бунда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, сихатгоҳимиз баъзи бир касалликларни

лашдик. Куйида уларнинг дил изҳорларини баён этамиз.

Владимир РАЧКО, Брест шаҳри:

— Илгари кўплаб санаторийларда даволанганман. Сочи, Ессентуки, Трусковец, Кисловодск ва бошқа курортлар шулар жумласидандир. Лекин буйрак касаллиги шу ерда даво топдим. Шу боис мана беш йилдирки, ёз ойларида фақат Бухорода дам олаяпман. Сихатгоҳда яратилган шарт-шароитдан жуда мамнунман. Шифокор ва ҳамширалар хушмуомала. Айниқса, бош ҳақимнинг беморларни шахсан ўзи қабул қилиб, муолажа белгилаши мени қойил қолдир-

саллигимга фақат шу ерда даво бор экан. Шунинг учун бу йил тўртинчи марта келишим. Ҳозир соғлигим яхши. Бунинг учун сихатгоҳ ходимларига мингдан-миг раҳмат.

Гулчеҳра АЛИМОВА, Самарқанд шаҳри:

— Яқинда Тошкент вилоятидаги «Нов» санаторийсида дам олдим. У ердаги шарт-шароитлар, даволаш муолажалари ҳам яхши экан. Аммо касаллигим аниқлангач, шифокорлар менга «Ситораи Мохи Хоса»да даволанишимни тавсия қилишди. Шу сабабли ушбу сихатгоҳда даво олаяпман. Минерал сув ваннаси, электр тоқлари ва бошқа муолажалар туфайли ҳозирданок даво

турмуш ўртоғимни ҳам олиб келдим. Худо насиб қилса, кейинги йил ҳам шу ерда даволаниб, дам олмақчимиз.

Асосий даволаш омиллари

Бу ерда ҳозир 43 та даволаш усулидан фойдаланилмоқда. Физиотерапия, парафин, уқалаш, игна, шифобахш ўтлар, маъданли сув билан даволаш ва бошқалар шулар жумласидандир. Муҳими, ҳар бир даволаш усулидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинади. Масалан, сихатгоҳ ҳудудидан чиққан маъданли сувни беморнинг касаллигига қараб ичирилади,



ришларни шифокорлар назорат қилиб борадилар. Йилнинг совуқ фаслларида эса овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат аъзолари, сийдик йўллари шамоллаши

нинг ичида жойлашганлигидир. Бу эса ўз навбатида мижозларнинг муолажадан кейин ташқарига чиқмасдан хоналарига бориб дам олиш имкониятини яратиб беради.

Даволанувчиларга яратилган шароитлар


Беморлар муолажадан кейин зеркиб қолмасликлари учун бир қанча

# «Ситораи Мохи Хоса»

бу ерда буйрак касалликлари билан келган беморлар дардларига даво топишмоқда

даволаш бўйича нафақат республикамизда, балки МДҲда ягонадир. Шунинг учун ўтган йили Россия, Беларус, Қозоғистон каби кўплаб мамлакатлардан 80 киши ўз соғлиқларини тиклаб, дам олиб кетдилар. Бу йил чет элдан ундан-да кўп бемор келиши кутилмоқда.

Саломатликнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймаган, пасаймайди ҳам. Чунки соғлиқ йўқ жойда на роҳат-фароғат, на яхши кайфият, на ҳаловат бор. Санаторийдаги сув ва бошқа муолажалар эса соғлиқни тиклашга хизмат қилади. Бу ерда даволаниш орқали моддалар, аввало сув ва туз алмашинуви тартибга солинади. Пешоб



йўллари мушаклари бўшашиб, суюқлик ажралиши яхшиланади. Буйракда умуман оғриқ сезилмайди, киши ўзини қушдай енгил сезади.

Беморларнинг дил сўзлари

Саломатлик масканида бўлганимизда, бу ерда дам олиб, даволанаётган беморлар билан суҳбат-

ди. Мен дам олиб, даволанган бошқа санаторийларда бундай эмас.

Аэлита КРАВЕЦ, Гродно шаҳри:

— Мен ҳам Беларусдан келганман. Узоқ йиллар мактабда дарс берганман. Ҳозир пенсиядаман. Ўзингиз биласиз, шунча жойдан келиб-кетишнинг ўзи бўлмайди. Аммо соғлиқ ҳамма нарсдан азий. Ундан кейин менинг ка-

самарасини сезаяпман. Матлуба ҲАКИМОВА, Шофиркон тумани:

— Ёнимизда шундай ажойиб даво маскани борлигини билмас эканман. Бўлмаса бошқа жойлардан шифо излаб юрган бўлардим. Туман шифохонасида менга ташхис қўйишиб, ушбу сихатгоҳда даволанишимни тавсия қилишди. Очиғи, буйрагимдаги оғриқ аришига унча ишонмаган эдим. Буни қарангки, келганимга уч-тўрт кун бўлганига қарамайдан аҳволим анча яхшиланди.

Юсуфбой САФАРНИЕЗОВ, Қорақалпоғистон Республикаси:

— Ўзим терапевтман. Шу сабабли касалликка ташхис қўйиш ва даволашни яхши биламан. Бироқ шифокор ҳам тирик жон. У ҳам хасталанади. Мени буйрагим ва жигарим безовта қилади. Мана саккиз йилдирки, мижозман. Иқлими, суви, муолажасига гап йўқ. Бу гап

ванна қилдирилади. Ошқозон, ичак йўллари ювишда фойдаланилади.

Санаторийнинг мавсумийлиги ҳисобга олиниб, беморлар касаллигига қараб қабул қилинади. Яъни ёз фаслининг иссиқ ойлари давомида саломатлик масканида буйракнинг гломерулонефри хасталиги билан оғриган одамлар даволанишади. Уларга ажратилган алоҳида майдонлар бўлиб, бу ерларда азросолярия, гелиотерапия, дам олиш боғи бор. Майдонларда киши организмидан терлаш орқали йўқотилган сув ўрнини тўлдириш учун тарвуз, иссиқ кўк чой берилди, уларга гигиеник душ қабул қилиш тавсия этилади. Касаллик турининг кечиши, қон босими, қондаги биохимик, пешобдаги клиник ўзга-

ҳамда асаб тизими касалликлари билан оғриган кишилар қабул қилинади. Юқоридаги хасталикларни даволаш мақсадида санаторий янги тиббий асбоб-ускуналар билан тўлдирилмоқда. Жумладан, республикада жуда кам учрайдиган, самараси юқори бўлган «Андрогин» русумли аппарат олинди. Бундан ташқари, 180 хил назологик касалликларни даволашда ишлатишга бўладиган «Мустанг-028» русумли ускуна келтирилди. Буларнинг ҳаммаси даволаш самарасининг юқори бўлишини таъминламоқда.

Мазкур даволаш ва дам олиш маскани бошқа санаторийлардан яна бир жиҳати билан ажралиб туради. У ҳам бўлса муолажа хоналари ётоқ биноси-

қулайликлар яратилганлиги ҳам айти мудоа бўлмоқда. Ётоқ бўлимидаги хоналар бир ва икки кишига мўлжалланган бўлиб, барча хўжалик жиҳозлари бор. Алоҳида санузел, гигиеник душ, ванна, телевизор, музлатгич, юмшоқ ва каттиқ мебеллар... Сихатгоҳнинг маданият уйида дам олувчиларга бир кун кинофильм қўйиб берилса, иккинчи кун дискотека ёки концерт уюштирилади. Бу ерда вақти-вақти билан шоирлар, ёзувчилар ва жамоат арбоблари билан учрашувлар ташкил этилади. Дам олувчилар бўш вақтларида шахмат-шашка, биллиард, теннис ўйинлари билан машғул бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, Бухоронинг зиёратгоҳ жойлари ва тарихий обидаларига саёҳат уюштириш йўлга қўйилган. Кутубхонада тўрт мингга яқин бадиий, тарихий мавзулардаги адабиётлар бор. Мевали ва манзарали дарахтлар соясида, гулзорлар атрофида ўрнатилган мулоқот бурчаклари ҳар доим одамлар билан гавжум.

Ижтимоий ҳимоя

Шифокор ва ходимларнинг ҳақ-хуқуқини ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш санаторий маъмурияти ҳамда бошлангич касаба уюшма кўмитасининг доимий эътиборида. Шу боис ходимларнинг ойлик маоши ўз вақтида тўланмоқда. Уларга шарт-шароит яратиб бериш мақсадида дам олиш хоналари ташкил қилинган. Маъмурият билан касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан ўтган йили кам таъминланган кўп болали оилаларга, нафақахўрларга, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг соғлиғини тиклаш учун бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, Бухоро шаҳри ва туманлардан келган 10 нафар қария сихатгоҳ маблағи ҳисобидан дам олдирилди. Олдин шу ерда ишлаб, касаллиги туфайли ногирон бўлиб қолган 4 киши оталиққа олиниб, уларга тиббий кўмак кўрсатилди. Яна 10 нафар кекса кишига пул маблағи билан ёрдам берилди. Ҳар бир байрамда ходимлар учун дастурхон ёзилиб, моддий рағбатлантирилади. Ешлар йилида ҳам бундай савобли ишлар давом этмоқда. Санаторийда амалга оширилаётган тадбирлар режасига асосан 27 нафар ёш ходимларни ишдан ажралмаган ҳолда даволаш кўзда тутилган. Сихатгоҳга яқин ҳудудда яшовчи, кам таъминланган оила фарзандларидан 20 нафарига бепул амбулатор хизмати кўрсатилади.

Биз ушбу саҳифамизда даволаш ва дам олиш маскани фаолиятининг айрим жиҳатларини қамраб олишга ҳаракат қилдик. Лекин халқимизда минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деган мақол бор. Шунинг учун дам олиб, даволанишни истаган юртдошларимизга «Ситораи Мохи Хоса»га бир келиб кетинг, деймиз. (h)

Ғулом ЮСУПОВ, «Ishonch» муҳбири

